

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛЕЙМАНОВА НИЛУФАР КАМИЛОВНА

ВИДЕОКОНТЕНТ ОРҚАЛИ
БЎЛАЖАК НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Сулейманова Нилуфар Камиловна

Видеоконтент орқали бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий
компетенциясини шакллантириш..... 3

Сулейманова Нилуфар Камиловна

Формирование профессиональной компетенции будущего учителя немецкого
языка посредством видеоконтентов..... 25

Suleymanova Nilufar Kamilovna

Formation of Professional Competence of Future German Language Teachers
through Video Content.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

The list of publications..... 51

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЛЕЙМАНОВА НИЛУФАР КАМИЛОВНА

ВИДЕОКОНТЕНТ ОРҚАЛИ
БЎЛАЖАК НЕМИС ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНЦИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

13.00.02 –Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (немис тили)

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестацияси комиссиясида В2019.1.Phd/Ped309 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uswlu.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уразова Марина Батыровна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Умархаджаев Мухтор Ишанходжаевич
филология фанлари доктори, профессори

Сайидалиев Сайидумар
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллари институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «___» _____ куни соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)

Г.Х.Бакиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б.Самигова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Л.Т.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, пед.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда чет тилларни ўқитишнинг сифатини халқаро даражага кўтариш ва бўлажак чет тили мутахассисларини тайёрлаш тизимини ривожлантиришда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан бўлажак ўқитувчилар компетенциясини такомиллаштириш устувор вазифалардан биридир. Хусусан, бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини видеоконтент орқали такомиллаштириш халқаро стандартлар даражасида юқори малакали кадрларни тайёрлашнинг асосий омилларидан бирига айланди. Шу сабабли видеоконтентларни ўқув жараёнида аутентлик, кўргазмалилик, вазиятлилик, диалоглилик тамойилларини амалга оширишга имкон берувчи, образли ва ижодий фикрлашни ривожлантиришга ёрдам берувчи янги таълим ресурси сифатида оммавийлаштириш долзарблик касб этмоқда.

Дунёда аудиовизуал таълим технологияларига катта аҳамият берилиб, ностандарт педагогик ечимларни қўллашга қаратилган педагогик жараёнлар ва уларнинг механизмларини такомиллаштириш бўйича етакчи олий таълим муассасалари ва илмий марказлар томонидан қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, Германия, Буюк Британия, Швеция, Австрия, Латвия, Испания каби европа мамлакатларида «Видеотаълим» лойиҳаси ишга туширилган. АҚШда таълим видеомаркази (Educational Video Center) ишлаб келмоқда. Немис педагоги ва тадқиқотчиси Хорст Ниезитонинг «Видеомаданият» (Video Culture) деб номланган халқаро лойиҳасида Германия, Буюк Британия, Чехия, Венгрия ва АҚШ (Лос-Анджелес, Нью-Йорк)дан тадқиқот гуруҳлари иштирок этаётганлиги алоҳида аҳамиятга моликдир.

Республикамызда немис тилини чуқур ўқитишга катта эътибор қаратилиб, илм-фан, таълим соҳасида Германия давлати билан халқаро алоқалар ривожлантирилмоқда. Хусусан, Ш.М.Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига ташрифи чоғида «Немис тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаблар тармоғини кенгайтириш, Германиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан алоқаларни ривожлантириш»¹ устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Бунда педагог кадрларнинг касб маҳоратини узлуксиз юксалтириш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли немис тили мутахассисларини тайёрлашда уларнинг касбий компетенциясини такомиллаштириш ва таълим жараёнида бўлажак немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини видеоконтентлар орқали шакллантириш тизимини ишлаб чиқиш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси

¹ Президент Ш.М. Мирзиёевнинг 2019 йилнинг 20-22 январидagi Германия Федератив Республикасига расмий ташрифи <http://uza.uz/ru/world/uzbekistan-germaniya-opyt-sotrudnichestvo-i-perspektivy-razv>.

Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июлдаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПҚ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 10 октябрдаги 816-сон «Олий таълим муассасаларини ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Касбий компетенцияни шакллантириш муаммолари мамлакатимиз олимлари: Н.Муслимов, Т.Саттаров, М.Б.Уразова, И.М.Тўхтасинов, Н.Ж.Исакулова, К.Ш.Рискулова, Н.Н.Каримова лар ҳамда россиялик ва чет эл олимлари: В.И.Байденко, В.А.Болотов, А.А.Вербицкий, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, Н.Д.Никандрова, Ю.Г.Татур, В.Д.Шадрикова, А.В.Хуторской, К.Э.Безукладников, E.Terhart, S.Blömeke, J.Zheng, G.Lehmann, W.Nieke, M.Löwisch ва бошқаларнинг илмий ишларида ёритилган².

Маҳаллий олимларимиздан Г.Х.Боқиева, Л.Т.Ахмедова, Ж.Ж.Жалолов, М.С.Дадаходжаева, Г.Т.Махкамова, Д.Ў.Ҳошимова, Л.К.Илиева, С.А.Зияева, Ф.Ш.Алимов, Б.Г.Кулматов, Г.В.Елизарова, О.Г.Оберемко, В.П.Фурмановларнинг тилларни ўқитиш методикаси ва унинг илмий-назарий

²Муслимов Н. Тингловчиларнинг касбий-педагогик компетенцияларини ривожлантириш муаммолари // Халқаро илмий анжуман материаллари. – Т.: 2016. – Б.10–12.; Саттаров Т.К. Формирование профессиональных умений будущего учителя иностранного языка на практических занятиях по специальности (на материале английского языка): Автореф. дисс. ... д-ра. пед. наук. – Ташкент, 2000. – 32 с.; Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности: Дисс. ... д-ра педагог. наук. – Т., 2015. – 134 с.; Исакулова Н.Ж. Касб таълими методикаси: ўқув қўлланма. – Т., 2014. – 200 б.; Байденко В.И. Компетенции в профессиональном образовании (к освоению компетентного подхода) // Высшее образование в России. 2004. – № 11. – С. 3–13.; Болотов В.А. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе // Педагогика. 2003. – № 10. – С. 10-13. Terhart E. Erfassung und Beurteilung der beruflichen Kompetenz von Lehrkräften. In: Laeders, Manfred; Wissinger, Jochen, Hg. Kompetenzentwicklung und Programmevaluation. Forschung zur Lehrerbildung. – Muenster, New York, München, 2007.; Blömeke S. Professionelles Lehrerhandeln. Kriterien und aktuelle empirische Erkenntnisse aus der Unterrichtsforschung. - Vortrag an der Universitaet Passau, 2003.

масалаларига бағишланган тадқиқот ишлари мавжуд³.

Ахборот-коммуникация технологияларини таълим тизимига жорий этиш масалалари А.А.Абдукодиров, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джўраев, Х.Ш.Қодировлар, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ёрдамида чет тилини ўқитиш масалалари эса Г.Сабирова, Х.А.Маматкулов, М.Н.Евстигнеев, Е.С.Полат, М.Ю.Бухаркина, П.В.Сысоевлар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Визуал таълим ва визуал мультимедиа технологияларини қўллаган ҳолда чет тилларини ўқитиш методикаси таҳлили О.А.Баранов, Е.А.Бондаренко, С.Н. Пензин, К.Э.Разлогов, Ю.Н.Усов, А.В. Федоров, Н.Ф. Хилько, Г.И.Гальскова ҳамда Н.И.Гез, Е.А.Маслико, Н.В.Чичерина, С.Г.Тер-Минасов, К.В.Шестаков, М.Brandi, B.Biechele ва бошқаларнинг тадқиқотларида келтириб ўтилган⁵.

Шахсий-фаолиятли ёндашув ғояси Л.С.Выготский, И.А.Зимняя, Т.С.Серовлар, визуал технологияларнинг одамга таъсири ва медиапсихология муаммолари Я.Н.Засурский, Ю.П.Зинченко, Е.Е.Пронинлар томонидан ўрганилган⁶.

Видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчиларини тайёрлаш ҳали фанда ўрганилмаганлиги ва уларнинг касбий

³Бакиева Г.Х. Преодоление звуковой интерференции при обучении русскому произношению студентов-узбеков (на материале консанантизма).: Автореф. дисс. ... канд. пед. наук. – Т., 1987. – 21 с.; Ахмедова Л.Т. Роль и место педагогических технологий в профессиональной подготовке студентов. Монография. – Т.: Издательство «Фан ва технология», 2009. – 160 с.; Жалолов Ж.Ж. Чет тил ўқитиш методикаси. – Тошкент, 2012. – 431 б.; Махкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. – Т., 2010. – 208 с.; Дадаходжаева М.С. Учебные комплексы и значения упражнений и заданий в них // Иностранные языки в Узбекистане. Научно- методический элэктронный журнал. – Ташкент, 2018. № 3 (22). – С. 107-108.; Илиева Л.К. Узлуксиз таълимда чет тилдан ўқув-методик таъминот: назария ва амалиёт. Монография. –Тошкент, 2015. – 166. б Зияева С.А Социоллингвистическая компетенция как один из компонентов коммуникативной компетенции // В мире науки и искусства: вопросы филологии, искусствоведения и культурологии: сб. ст. по матер. LXI междунар.науч.-практ.конф. – № 6(61). – Новосибирск, 2016. – С.92-96.;

⁴ Джўраев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Т., 2010. – 87 б.; Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. Пед. фан. д-ри. ... дисс. – Т., 2007. – 305 б.; Кодиров Х.Ш. Касб таълими ўқитувчиларининг билим ва кўникмаларини шакллантиришда ахборот -коммуникация технологияларини қўллаш методикасини такомиллаштириш. Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. ... – Т.: 2017. –130 б.; Сабирова Г.С. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларига инглиз тили олмошларини ахборот технологиялари асосида ўргатиш методикаси. Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 18 б.; Маматкулов Х.Ш. Совершенствование информационно-методического обеспечения развития профессиональной компетентности педагогов по иностранным языкам. Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. автореф. – Т., 2017. – 29 с.; Полат Е.С. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования. – М.: Академия, 2002. – 272 с.

⁵ Баранов О.А., Пензин С.Н. Фильм в воспитательной работе с учащейся молодёжью. – Тверь, 2005. – 188 с.; Усов Ю.Н. Основы экранной культуры // Новая школа. Пед. наук. – М. 2000. – С.11.; Фёдоров А.В. Медиаобразование и медиакомпетентность: анкеты, тесты, контрольные задания. – Таганрог, 2009. – 292 с.; Хилько Н.Ф. Роль аудиовизуальной культуры в творческом самоосуществлении личности. – 2001, – 446 с.; Brandi M.-L. Video im Deutschunterricht. Eine Übungstypologie zur Arbeit mit fiktionalen und dokumentarischen Filmsequenzen. – Berlin, München: Langenscheidt, 2005. – 189 s.

⁶ Выготский Л.В. Искусство и психоанализ // Классический психоанализ и художественная литература. – СПб.: Питер, 2002. – С. 349-368.; Зимняя И.А Ключевые компетентности как результативно-целевая основа компетентностного подхода в образовании. – М.: Исследовательский центр проблем качества подготовки специалиста, 2004. – 38 с.; Серова Т.С. Обучение решению коммуникативно-познавательных задач в процессе иноязычного информативного чтения. – Пермь: Перм. гос. тех. ун-т, 2006. – 135 с.; Засурский Я.Н. Всё начинается с контента // Человек как субъект и объект медиапсихологии. Монография. – М.: 2011. – 230 с.; Пронина Е.Е. Психология журналистского творчества. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2003. – 320 с.

компетенциясини шакллантириш зарурати тадқиқотимиз мавзусини белгилаб берди. Юқорида тилга олинган тадқиқотлар, сўзсиз, чет тилларни ўқитиш ва профессионал компетентликни шакллантириш муаммоларини ечишга катта ҳисса қўшган ҳамда бизга бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясини видеоконтент орқали шакллантириш нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имконини берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Докторантлар, тадқиқотчилар ва талабаларнинг илмий-тадқиқот ва илмий-ижодий ишлари» режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантиришнинг моҳияти ва структурасини ўрганиш;

касбий-педагогик компетентликнинг таркибий қисмини ажратиб кўрсатиш ва мазкур тушунча таркибидаги касбий-коммуникатив компетенциянинг мақомини белгилаш;

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини шакллантиришнинг педагогик шароитлари ва технологияларини аниқлаш;

мақсадли, мазмунли, технологик ва натижавий компонентларни ўз ичига олган видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантиришнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш;

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш жараёнининг илмий-методик таъминотини ишлаб чиқиш;

бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясини шакллантириш бўйича педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг (3-босқич бакалаврлар) касбий компетенциясини шакллантириш жараёнидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш мазмуни, хусусиятлари, методлари ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда адекват ўрганишга йўналтирилган усуллар мажмуи: назарий (таҳлилий-синтетик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик статистика (маълумотларга статистик ишлов бериш,

натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

немис тилини ўқитишда аудиовизуал воситалар ва видеоконтентлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлар фильм фрагментлари, экранлаштирилган адабий асарлар, ижтимоий реклама, тарихий фотосуратлар, интервью каби аспектларда аниқланган;

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясини шакллантиришнинг методик таъминоти ҳамда мақсадли, мазмунли, технологик ва натижавий компонентларни ўз ичига олган дидактик модели такомиллаштирилган;

бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясининг илмий-услубий таъминоти рецептив, продуктив ва репродуктив мезонлар асосида такомиллаштирилган;

бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясини шакллантиришда образли, ассоциатив, мантикий ва ижодий фикрлаш бўйича муаммолар ечимини таклиф қилувчи видеоконтент функциялари ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини шакллантириш ва уларнинг ижтимоий лингвистик тайёргарлигини оширишга хизмат қиладиган шакллар, метод ва воситалар ишлаб чиқилган;

бўлажак немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини шакллантириш ҳамда немис тилини мустақил ўрганишга йўналтирилган махсус «Видео немис тили» курси яратилган;

ОТМ талабалари учун «Deutsch mit Vergnügen» ўқув қўлланмаси яратилган;

Видеоконтент терминларининг немисча-инглизча-русча-ўзбекча изоҳли луғати ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар, усуллар ва назарий маълумотлар ишончли манбалардан олинганлиги, бўлажак немис тили ўқитувчисининг лексикасини ўргатиш бўйича ишлаб чиқилган методик ва дидактик таъминот, фаол лексик минимум, дастур ҳамда хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, келтирилган таҳлил ва мулоҳазалар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик таҳлил воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, диссертацияда тадқиқ этилаётган муаммо бўйича адабиётлар ва назарий таҳлил этиш асосида олинган материаллардан ОТМда бўлажак ўқитувчилар немис тилини ўргатишда фойдаланиши мумкин. «Видео немис тили» махсус курс учун ишлаб чиқилган ишчи ўқув дастури видеоконтент технологиялардан фойдаланишга асосланган бўлиб, бўлажак ўқитувчиларнинг немис тилини мувоффақиятли

эгаллашга йўналтирилгани ҳолда бошқа чет тилларни ўқитишда ҳам қўлланиши мақсадга мувофиқдир.

Немис тилини ўқитишда видеоконтент орқали бўлажак ўқитувчиларнинг касбий компетенциясини шакллантиришга йўналтирилган чет тилларни ўқитиш бўйича фан мундарижаси ОТМ бакалаврлари учун мўлжалланган „Deutsch mit Vergnügen“ дарслигида ўз ифодасини топган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган услубий ва амалий тавсиялар асосида:

немис тилини ўқитишда аудиовизуал воситалар ва видеоконтентлар ўртасидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлар фильм фрагментлари, экранлаштирилган адабий асарлар, ижтимоий реклама, тарихий фотосуратлар, интервью каби аспектларда аниқланди (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 20 декабрдаги 01-11-10-8727-сонли маълумотномаси). Натижада илмий тадқиқот материалларидан Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг ижодкор ёшлар билан турли маданий тадбирлар, фестиваллар ташкил қилиш ишларида фойдаланилди;

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясини шакллантиришнинг методик таъминоти ҳамда мақсадли, мазмунли, технологик ва натижавий компонентларини ўз ичига олган дидактик моделидан ОТМлар учун немис тили бўйича «Deutsch mit Vergnügen» ўқув қўлланмасини яратишда (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигини 2019 йилнинг 2 майдаги 394-сонли гувоҳномаси) ҳамда “Deutsch lehren lernen” халқаро лойиҳасида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йилнинг 14 октябрдаги 89-03-3947-сонли маълумотномаси). Натижада конкрет тамойилларга кўра, танлаб олинган видеоконтентлар ишчи дастурлардан самарали фойдаланишга ёрдам берди;

бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясининг илмий-услубий таъминоти рецептив, продуктив ва репродуктив мезонлар асосида № ОТ-А1-118 «Ўзбекистон Республикасининг кўп қиррали маданий таълим муҳитида ўқитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш» номли фундаментал лойиҳасига жорий этилди (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 22 октябрдаги 89-03-4094-сонли маълумотномаси). Натижада диссертацион тадқиқот материалларидан университетнинг Давлат илмий-техника дастури доирасидаги материалларни ишлаб чиқишда кенг қўламда фойдаланилди;

бўлажак немис тили ўқитувчиси касбий компетенциясини шакллантиришда образли, ассоциатив, мантиқий ва ижодий фикрлаш муаммолар ечимини таклиф қилувчи видеоконтент функциялари таъминоти асосида ОТМ талабалари учун «Видеоконтент терминларининг немисча-инглизча-русча-ўзбекча изоҳли луғати» ишлаб чиқилди (Видеоконтент терминларининг немисча-инглизча-русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.:

Tafakkur, 2020. – 100 б.) Натижада мазкур луғат соҳага оид манба сифатида хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот иши натижалари 12 та халқаро ва 14та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий иш, шу жумладан 1та ўқув (методик) қўлланма, 1та луғат, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 117 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот ишининг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Видеоконтент орқали бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантиришнинг назарий асослари»** деб номланган бўлиб, мазкур бобда «касбий компетенция» тушунчасини аниқлаштириб олиш мақсадида маҳаллий, россиялик, хорижий олимларнинг тадқиқотлари ва махсус адабиётлар назарий таҳлили амалга оширилган. Ушбу терминнинг категориал тушунчаси ва олимлар талқинига назар ташлайдиган бўлсак, улар бўлажак немис тили ўқитувчисиди индивидуал креативлик юзага келиши, унинг педагогик инновациялар, педагогик технологияларни эгаллаш қобилиятининг шаклланиш жараёни ва таълимда содир бўлаётган ўзгаришларни қабул қилишни англайдилар. Мазкур жараённинг мақсади ўз фаолиятида юқори натижаларга эришиш учун, ўзи таълим оладиган ва ўз-ўзини тарбия қила оладиган, эркин фикрлай оладиган, уни лойиҳалаштира биладиган, башорат қила оладиган ва моделлаштира оладиган ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш ҳисобланади.

Тадқиқотчи Н.Н.Каримова⁷ маълум фаолият соҳасида касбий компетенциянинг муҳимлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, «профессионализм» (касбий маҳорат) сўзининг маъноси бугунги кунга келиб

⁷Каримова Н.Н. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш. Педаг. фан. бўй. фал. д-ри (PhD) дисс. ... –Т.: 2018. - 156 б.

«компетенция» сифатида талқин этилмоқда. Биринчиси касбий маҳорат маъносига яқинроқ, иккинчиси, яъни «компетенция»нинг маъноси эса муайян малакага эгалик демакдир.

М.Б.Уразованинг фикрича⁸, таълим жараёнига педагогик лойиҳаларни (лойиҳавий компетенция) жорий этиш касбий компетентлиликни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди ва замонавий педагогнинг рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Унинг таъкидлашича, «касбга тайёрлаш тизимида касбий компетенцияга бўлажак ўқитувчилардаги касбий билим, малака, сифатлар, бўлажак ўқитувчи индивидуаллигини очиб бериш ва касбий ўз-ўзини такомиллаштиришга доимо шай туришни шакллантирувчи жарёни бошқаришнинг асосий шартларидан бири сифатида қаралади».

Илмий адабиётлар таҳлили немис олимларининг касбий педагогик компетенция турларига нисбатан ёндашувлари турлича эканлигини кўрсатди. Жумладан, Баден -Вюртемберг (Gewerkschaft Erziehung und Wissenschaft Baden-Württemberg)⁹ Германия Федерал ерларининг Тарбия ва фан масалалари бўйича жамияти аъзоларининг таъкидлашича, ўқитувчининг профессионализми (касбий маҳорати) касбий автономияси, юқори даражали университетдаги тайёргарлиги билан бирга, қуйидаги компетенциялардан таркиб топади: ихтисослик фани бўйича билимлари ва ушбу фан дидактикасини эгаллаганлик; ижтимоий компетенция; ташхислаш компетенцияси; педагогик маслаҳат бериш элементлари ва педагогик қўллаб-қувватлаш тамойилларидан хабардор бўлиш; ўқув жараёнида мультимедиавий воситалардан фойдаланиш; ташкилотчилик қобилияти; жамоада ишлай билиш; инновацияларга интилиш.

Немис олимларининг илмий асарларини таҳлил қилиб уларнинг кўпчилигида педагогнинг компетентлиги тушунчаси кўп аспекти: режалаштириш; самарадорлик дея эътироф этилганлиги аниқланди.

Тадқиқотлар натижасига кўра, немис педагоглари учун «Kompetenz» сўзи бир пайтнинг ўзида «компетенция» ва «компетентлик» тушунчаларига мувофиқ келиб, синоним тушунчалар ҳисобланишини қайд этадилар. Тадқиқотчи Е.Терхарт¹⁰ касбий педагогик компетенцияни «зарур касбий билимлар, касбий малака ва касбий этика бирлиги», дея баҳолайди. Г.Нидермайернинг¹¹ таъкидлашича, «компетентлик» функционал равишда конкрет педагогик вазиятлар, шу жумладан, педагогнинг зиёлилиги ва унинг касбий этикаси билан боғлиқ.

Ўқитувчининг касбий компетенцияси борасида олимларнинг назарий қарашлари турлича бўлишига қарамай, умумлаштирилган ҳолда

⁸Уразова М.Б. Совершенствование технологии подготовки будущего педагога профессионального образования к проектировочной деятельности: Дисс. ... д-ра педаг. наук. – Т., 2015. –134 с.

⁹Gewerkschaft Erziehung und Wissenschaft Baden-Württemberg. - Режим доступа: <http://www.gew-bw.de/Lehrerbildung.html.Section9551> (дата обращения: 26.03.2012).

¹⁰ Terhart E. Erfassung und Beurteilung der beruflichen Kompetenz von Lehrkräften. In: Laeders, Manfred; Wissinger, Jochen, Hg. Kompetenzentwicklung und Programmevaluation. Forschung zur Lehrerbildung. - Muenster, New York, München, 2007.

¹¹ Niedermair G. (2011). Kompetenzen entwickeln, messen und bewerten / Gerhard Niedermair [Hrsg.]. – Linz: Trauner. – 602 S.

видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини мувоффақиятли шакллантириш мақсадида биз тадқиқотимизда етук мутахассис олимларнинг фикрларига таянган ҳолда педагогик шароитлар ва уларни немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияси билан боғлиқлигини аниқладик (1- жадвалга қаранг):

1 - жадвал.

Видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш педагогик шароитларининг унинг педагогик фаолияти жараёнига боғлиқлиги

№	Педагогик шароитлар ва уларнинг видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш билан боғлиқлиги	Бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциялари
1.	Немис тилидаги бадий асарлар мазмунига эркин ифодали жавобни ривожлантириш учун видеоконтентларни технология сифатида қўллаш.	ижтимоий-меҳнат компетенцияси
2.	Бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетентлиги ва маҳоратини шакллантирувчи аутентик, аудиовизуал рамзлардан таркиб топган видеоконтентларни технология сифатида қўллаш.	шахсий ўзлигини такомиллаштиришнинг ахборий, коммуникатив компетенцияси
3.	Ижодий ўз-ўзини намоён этишга интилишни ривожлантириш.	қадриятли-мазмунли, умуммаданий компетенциялар, ўқув-ўрганиш компетенциялари
4.	Тематик-бадий тадбирда иштирок этиш.	ахборий, коммуникатив, ижтимоий-меҳнат компетенциялари
5.	Бўлажак немис тили ўқитувчиларини педагогик фаолиятга жалб этиш.	шахсий ўзлигини таомиллаштиришнинг коммуникатив компетенциялари
6.	Видеоконтентларни турли педагогик жамоаларнинг ижодий тажриба алмашиш шакли сифатида ташкиллаштириш.	ахборий, коммуникатив, ижтимоий-меҳнат компетенциялари

Биз олимлар қарашларини таҳлил этган ҳолда касбий компетентлилик атамасига муаллифлик таърифини бердик. Касбий компетентлилик – бу узлуксиз ўзини ривожлантириш ва такомиллаштириш шароитида ўз касбий характеристикасини, касбий-педагогик фаолиятини ўзининг индивидуал ишлаш услуби асосида холис баҳолай олишга қодир ҳамда касбий педагогик фаолиятни эгаллашга ёрдам берувчи шахс интегратив сифатининг узоқ кечадиган жараёни бўлиб, касбий ўсиш ва ўзлигини кўрсата олишга интилиш демакдир.

Шунингдек, бунда бўлажак ўқитувчиларда маълумотни мустақил излаб топиш, таҳлил қилиш ва синтезлашга қаратилган компетенцияларни ривожлантириш зарурати юзага келади. Бўлажак немис тили ўқитувчиларига амалиётда ҳар хил медиа турларидан фойдаланиш, уларнинг «тил»ини тушуниш, видеоконтентлар тавсия қилаётган катта ахборот оқимини ўрганиш,

педагогик мақсадларда фойдаланиш, видеоконтентларнинг бошқарувчанлик (манипулятив) таъсирини аниқлай билиш, видеоконтентлар асосида ўзлигини намоён этишига ўргатиш зарурияти аён бўлади. Видеоконтентлар – бу қайта кодлашни талаб этувчи борликни намоёйиш қилувчи шакли бўлган атроф-муҳитни билвосита ифодалашдир (А.П.Жданько).

Видеоконтентлар – бўлажак ўқитувчига «ўзининг ва ўзгаларнинг эмоциялари ва хулқ-атворини кўрсатиб берувчи эмоция, фикрларни ўз бошидан кечириб англаш, ўрганиш усуллари ва имконини берадиган техника ҳамда бадий ижод симбиози»дир¹².

Тадқиқотлар жараёнида биз видеоконтентларни бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантирувчи аутентик, аудиовизуал рамзлардан таркиб топган, уларнинг тафаккури ва ҳатти-ҳаракатларини маълум тарзда дастурлай оладиган технология сифатида таҳлил этдик. Видеоконтентлар бу – ўз видеороликларини яратганда видеоконтенти билан ишлаш, видеоматериални яратиш жараёни, машғулотларда АКТ қўлланган технология воситасида ностандарт ўқитиш шаклларида биридик.

Видеоконтентлар – бу турли жанрдаги фильмлар, фильмлар фрагментлари, экранлаштирилган адабий асарлар, ижтимоий реклама, интервью билан ишлаш кўникмалари ёрдамида бўлажак ўқитувчиларнинг тасаввури, ижодий салоҳиятини ривожлантиришдан иборат. Тадқиқотимиз давомида видеоконтентларнинг функциялари аниқланган ва улар қуйидаги жадвалда келтирилган (2- жадвалга қаранг):

2 - жадвал.

Видеоконтентларнинг функциялари мазмуни

№	Видеоконтентларнинг функциялари	Видеоконтентларнинг функциялари мазмуни
1.	Ижодий ривожлантирувчи	Видеоконтентлар мазмун яратиш салоҳиятига кўра, у ёки бу даражада шахсни уйғунлаштириш имконини беради, ижодий қобилиятларни аниқлаш ва ривожлантириш, жамоани жипслаш, бўлажак чет тили ўқитувчисининг салоҳияти ва қобилиятларини кашф этиш ва амалда намоён этишга ёрдам беради. Ўзлигини намоён этишга бўлган эҳтиёж талабалар учун уларнинг ёшлари, психологик ва педагогик хусусиятлари боис шахсан аҳамиятли бўлиб қолади. Креатив, бунёдкорлик фаолияти уларга шундай имкониятни бера олади.
2.	Ахборий-коммуникатив	Видеоконтентларнинг бу функцияси уларнинг икки хилли табиатида намоён бўлади. Бўлажак ўқитувчига бир томондан фильм/видео – санъат асари, унда муаллиф дунёга нисбатан ўз қараши, муносабатини ифодалашини тушунтириб қўйиш керак, иккинчи томондан эса, «экран санъат турлари ўзига хос тилига эга, бу тил мусиқа, тасвирий санъат, рақс, театрникидан фарқ қилади». Ҳар қандай тил – бу

¹² Жданько А.П. Дидактические особенности использования видеоконтентов при изучении иностранного языка в условиях дополнительного образования: Дисс. ... кан. пед. наук. – Тагнрог. 2014. – 147 с.

		белгилар тизими. Бўлажак ўқитувчи образлар, товуш, мусикадан ўз фикри ифодалаш ва мулоқот воситаси сифатида фойдаланиши мумкин. Мотивациядан ҳам нутқий, ҳам аудиовизуал коммуникация бошланади.
3.	Рефлексив	Видеоконтентларнинг мазкур функцияси визуал баёни ижодий анлаш ва талқин этиш орқали ўз ифодасини топади. Бўлажак ўқитувчи томонидан фильм/видеони кўришнинг ўзига хос хусусияти уларнинг фильмдаги воқеалар ва қаҳрамонларни худди реал мавжуд экандек қабул қилишларида. Образли, ассоциатив, мантикий фикрлаш одамларга нисбатан кадриятлар асосида ёрдам бериш муносабатининг ишлаб чиқилишига ёрдам беради, сезги орқали қабул қилиш органларини ривожлантиради (эшитиш, кўриш, хид билиш, ушлаб сезиш, таъм билиш), ритм, композиция, макон муҳитини сезиш; сюжетни моделлаштириш қобилиятини шакллантириш, шахснинг ижтимоийлашувига ёрдам беради.
4.	Тикловчи	Видеоконтентларнинг бу функцияси маънавий уйғунликни тиклаш ва тангликни юмшатишдан иборат. Санъат, жумладан, театр ва аудиовизуал санъат ҳам даволовчи, шифо берувчи самарага эга, неврозлардан қутулишга ёрдам беради.
5.	Билим берувчи-эвристик	Бу функциянинг маъноси шундан иборатки, видеоконтентлар – бу оламни ўрганиш ва ўзликни англаш воситасидир. Видеоконтентларнинг хилма - хил мазмуни ҳар бир талабанинг манфаатини ҳисобга олишни ва бўлажак ўқитувчининг ўзлигини аниқлаштириб олишга ёрдам беради. Видеоконтентлар ноодатий, тор ихтисосликка оид қобилиятларни аниқлашга ёрдам беради, уларни ҳисобга олган ҳолда келажакда компетентли репортер, фотосуратчи, оператор, гид, таржимонлик қобилиятлари захирасини яратишга ёрдам берувчи кўникмалар, мотивлар ҳамда фикрлаш усулларини ва фаолият турларини шакллантиришга имкон беради. Кимнидир сценарийли режа тузиш диққатини тортса, кимдир бажонидил актёр ролида чиқишни ёқтиради, кимнидир видеосъёмка, яна кимнидир монтаж қизиқтиради ва ҳ.к.
6.	Эстетик	Видеоконтентларнинг ушбу функцияси эстетик қабул қилиш ва дидни, гўзаллик ва ижодга интилишни шакллантиришдан иборат. Видеосанъат эстетик онгни кадриятларга йўналтиради. Санъатнинг ички дунёга таъсири, бўлажак ўқитувчини ривожлантиришга бағишланган кўплаб илмий ишлар мавжуд. Ривожланган эстетик қабул қилиш қобилияти когнитив, эмоционал, мотивацион ривожланишга самрали таъсир кўрсатади.
7.	Рекреацион	Видеоконтентларнинг ушбу функцияси уларни чарчоқни олиш, маданий кўнгил очиш, дам олиш

		учун ишлатишни тақозо этади.
8.	Суггестив	Бу функция инсон психикасига таъсир кўрсатади. Ўзининг аҳамиятлилиги ва бошқалар учун кераклигини аниқловчи индикатор ҳисобланади. Агар у яхши бўлиб бораётган бўлса, демак, бу шахс ўзига юқори баҳо бера бошлайди. Танқид хотиржамлик билан қабул қилинади.

Муайян мазмун яратиш салоҳиятига эга ривожлантирувчи-ижодий, ахборий-коммуникатив, рефлексив, реабилитацияловчи, билиш-эвристик, эстетик, рекреацион, суггестив функцияларни адо эта оладиган видеоконтентлар – бўлажак ўқитувчиларда образли, ассоциатив, мантикий, ижодий фикрлашни комплекс ривожлантириш вазифаларини бажаришнинг оптимал вариантыдир.

Илмий адабиётлар таҳлиliga кўра, видеоконтент воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантиришнинг педагогик шартлари қуйидагилар: немис тилидаги бадий мазмунга нисбатан эркин ифодали реакцияни ривожлантириш учун видеоконтентлардан технология сифатида фойдаланиш; омма олдида чиқиш билан боғлиқ муаммоларни енгилли равишда ишташ; ўзини ижодий намоён эта билишга интилиш; бадий воқеаларни тематик жиҳатдан ташкиллаштиришнинг педагогик фаолиятга тайёрланишнинг босқичи сифатида баҳолаш.

Бизнинг назаримизда, юқорида келтирилган функцияларга эга видеоконтентлар бўлажак ўқитувчиларда касбий компетенцияни шакллантиришда образли, ассоциатив, мантикий, ижодий фикрлашни комплекс ривожлантиришдек вазифаларни бажаришнинг оптимал вариантыни тақдим этади.

Диссертациянинг **«Видеоконтент орқали бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини шакллантириш методикаси»** деб номланган иккинчи бобда касбий компетенциянинг ўзига хос хусусиятлари, замонавий таълим технологиялари тизимида видеоконтент турлари, уни амалга ошириш методикаси ва шарт-шароитлари, видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчисининг касбий компетенциясини ривожлантириш, немис тили ўқитувчиларини самарали тайёрлашнинг дидактик моделини ишлаб чиқиш ва жорий этиш жараёни ёритилган.

Тадқиқот жараёнида тажриба-синов ишлари учун учинчи босқич талабалари танланди, чунки тажриба-синов ишларини ушбу босқичда ўтказиш ўзига хос аҳамиятга эга: биринчидан, талабалар психология ва педагогикага оид фанларни тўлиқ ўзлаштирган бўладилар; иккинчидан, немис тилини ўқитиш методикасига оид билим ва кўникмаларни эгаллай бошладилар; учинчидан, немис тили мукамал ўзлаштирилади; тўртинчидан, ахборот технологиялари курсига оид билимлар ҳам ўзлаштирилади; бешинчидан, талабаларда бўлажак немис тили ўқитувчисига

хос касбий компетенцияни ривожлантира олишга қодир ижодий педагогик макон муҳитини яратадиган жамоа бўлиб ишлаш кўникмалари ривожланган бўлади; олтинчидан, бўлажак ўқитувчиларга видеоконтентлар ёрдамида эмоция, фикрларни бошдан кечириш ва етказиш усуллари ҳамда ўзининг ва ўзгаларнинг эмоция, фикр, хатти-ҳаракатларини ўзича ифодалай билишни ўрганишга қаратилган видеоконтентларни таҳлил қилиш асосида бўлажак ўқитувчининг борлиқ ҳақидаги ўзининг янги моделларини яратиш ва уларни бошқариш имконини берувчи махсус «Видео немис тили» курсини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш имконияти мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот жараёнида муаллифлар томонидан видеоконтентлар воситасида бўлажак немис тили ўқитувчиларида касбий компетенцияни шакллантиришга йўналтирилган дидактик модел ишлаб чиқилди. (3-жадвалга қаранг):

3 - жадвал.



Дидактик модель яхлит тизим бўлиб, у мақсадли, мазмунли, технологик, натижавий босқичларни ўз ичига олади. Дидактик моделнинг мақсадли компоненти педагогик шароитларга ва бўлажак немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенцияларига риоя қилиниши билан

белгиланади. Дидактик моделнинг мазмунли компоненти видеоконтентлар функцияларини аниқлаш ва уларни адо этиш ҳамда уларнинг немис тилини ўрганиш жараёнида махсус «Видео немис тили» курси материали асосида ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга мазмун билан тўлдирилиши орқали намоён бўлади.

Бўлажак немис тили ўқитувчиларининг касбий компетенциясини шакллантириш воситаси сифатида биз видеоконтентлар (яъни турли жанрдаги фильмлар ва фильмдан лавҳалар, адабий асарларни экранлаштириш, ижтимоий реклама, тарихий фотосуратлар, интервью)ни аниқлаштириб олдик.

Тадқиқотда ўқув жараёнида видеоконтентларнинг эстетик (эстетик қабул қилиш ва диднинг шаклланиши, гўзалликка интилиш), эвристик-ўрганиш (видеоконтентлар – оламни ўрганиш ва ўзлигини англаш воситаси, ноодатий, тор ихтисосликка хос қобилиятларнинг борлигини кўрсатиб бера олиш), суггестив (инсон психикасига таъсир ўтказиш), рекреатив (видеоконтентлар – ахборот манбаи ва мулоқот ҳамда коммуникатив компетенцияни шакллантириш воситаси) каби функциялари намоён бўлиши тажриба-синов ишлари жараёнида илмий-методик асосланди.

Шунингдек, иштирокчиларнинг рефлексив (ижодий англаш ва визуал баённи талқин этиш, одамларга нисбатан қадриятли муносабатларни ишлаб чиқиш, шахснинг ижтимоийлашуви), иждодий-ривожлантирувчи (ижодий қобилиятларни аниқлаш ва ривожлантириш, овоз ва образ ёрдамида ўзлигини намоён этиш, шахснинг уйғунлашуви) даражалари аниқланди.

Дидактик моделнинг технологик компоненти қуйидагиларга мувофиқ намоён этилади: коммуникацияга йўналтирилган (ишга оид ва ролли ўйинлар, анжуманлар, интервью ва ҳ.к.з.); қадриятли-рефлексив (баҳс-мунозара, турли жанрларда сценарийлар тузиш, видеоконтентнинг рекламали компаниясини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.з.); интеллектуал-ўрганиш (семиотик, эстетик, нарратив ва видеоконтентни таҳлил қилишнинг бошқа турлари, видеоконтентлари воқеаларидаги мантикий боғланишлар схемаларига изоҳлар тузиш ва ҳ.к.з.); креатив-қайта яратиш (адабий асар фрагментини экранлаштириш, драматизация, турли суратга олиш усуллари кўллаб видеоконтент яратиш ва б.).

Дидактик моделнинг натижавий компоненти ҳар бир компонентни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш ва натижалар рефлексиясини, тажриба-синов ишлари жараёнида бўлажак ўқитувчилар ривожланишидаги сифат характеристикасини ўз ичига олади. Видеоконтентлар воситасида касбий компетенция шаклланишининг баҳоланиши 4-жадвалда келтирилган юқори, ўрта, паст даражалар орқали шакллантирилди (4 -жадвалга қаранг):

4- жадвал.

№	Кўрсаткич-лар номлари	Юқори даража	Ўрта даража	Паст даража	Жуда паст даража
1.	Креативлик	Муаммо, вазифаларни ҳал этишда товуш, ранг, образлардан ўз-ўзини намоён эта олиш ва мулоқотдан фойдаланиб мустақил равишда билимларни қўллай билиш.	Олинган билимларни товуш, образлардан ўз-ўзини намоён эта олиш ва мулоқот воситаси сифатида ўқитувчи ёрдамида фойдаланиб, муаммо ва вазифаларни ҳал этиш учун қўллай билиш.	Ижодий топшириқларни бажарганда бўлажак ўқитувчи муаммони ҳал этиш йўллари кўрмайди эмас.	Ижодий топшириқларни бажарганда бўлажак ўқитувчи муаммони ҳал этиш йўллари топа олмайди.
